

**СОБИҚ СОВЕТ ТУЗУМИ ДАВРИ ВА МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ
ҲАЁТИДАГИ ИНҚИРОЗЛИ ҲОЛАТ САБАБЛАРИ**

Носиров Рашод Адилевич,

т.ф.д.профессор, Тошкент давлат транспорт университети

Аннотация

Мақолада Собиқ совет тузуми ва мамлакатимизда инқирозли ҳолат, Маъмурий-буйруқбозлик тизими, иқтисодиётга партиявий раҳбарлик иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўлидаги уринишлар, Қайта қуриш ва унинг босқичлари, Ўзбекистонда бутун бошқарув тизими ва мушамлакачилик сиёсати, унинг сабаблари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Собиқ, совет тузуми, инқироз, буйруқбозлик, қайта қуриш, ошкоралик, тизим, ташқи ва ички сиёсат.

X

X аср иккинчи ярмидан дунёда илмий-техникавий янгиликлар содир бўлди. Бундан жаҳоннинг тараққий топган давлатлари самарали фойдаланди. Ишлаб чиқаришга ҳисоб-китоблар, ечимлар, электрон-ҳисоблаш аппаратлари, ахборот техникаси, роботлар кириб келди ва кенг қўлланила бошланди. Одамлар бажариб келган оғир жисмоний ишларни техника воситалари бажарадиган бўлди. Фан том маънода ишлаб чиқариш кучига айланди. Натижада илғор мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг самараси ошиб, интенсив тараққиёт йўлига кирди. Моддий ишлаб чиқаришда ишловчилар сони қисқариб, хизмат кўрсатиш соҳасида, тиббиёт, таълим, илмий фаолиятида банд бўлганлар сони ошиб борди. Инсон ўзини мазмунли, ижодий ишларга бағишлади. Пировардида турмуш савияси тобора яхшиланиб борди.

Бу даврда совет давлатида эса илмий-техника инқилобидан фойдаланиш етарли даражада йўлга қўйилмади. Ишлаб чиқариш технологияси “маънавий” эскирган, маҳсулотларнинг сифати талаб даражасида эмас эди. Маъмурий-буйруқбозлик тизими, иқтисодиётга партиявий раҳбарлик иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўлидаги уринишларни йўққа чиқарар эди. Ижтимоий эҳтиёжларга маблағ ажратишга қолдиқ принципи ва тақсимотда тенглик аҳолининг меҳнатга бўлган қизиқиши ва фаолиятини сусайтирди, боқимандалик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, порахўрлик каби ярамас иллатларни келтириб чиқарди. Маъмурий-буйруқбозлик бошқарув усули, мамлакатда кенг тарқалган қоғозбозлик, мажлисбозлик иллатлари иқтисодиётнинг ўз қонунлари ва воситалари асосида ривожланишига тўсқинлик қила бошлади. Боши берк мураккаб вазиятдан чиқиш, жамият ижтимоий ҳаётида жиддий ўзгаришлар қилиш совет жамиятида зарурий даражасига кўтарилди. Шунинг учун ҳам 1985 йилнинг баҳорида КПСС МҚнинг апрел пленуми жамиятни тубдан қайта қуриш, унинг барча соҳаларини чуқур ислоҳ қилиш йўлини эълон қилди ва “Қайта қуриш” совет жамиятини ривожлантиришнинг объектив эҳтиёжи, унда яшовчи миллатлар ва халқлар манфаатлари тақоза этган ҳаётий зарурат сифатида таърифланди.

Қайта қуришнинг биринчи босқичида (1985-1986 йиллар) кун тартибига қўйилган вазифалардан бири илмий-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жалб этиш асосида жамиятда туб иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш ва унинг асосида инсон омилини фаоллаштиришдан иборат бўлди. Қайта қуришнинг биринчи босқичида рўй бераётган ўзгаришлар, айрим сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислохотлар кишиларда эртанги

кун ва келажакка ишонч руҳини уйғотди. Лекин кейинчалик амалий ишлар, фойдали тадбирлар ўрнига сиёсий сафсатабозлик, қуруқ ваъдалар, сўз билан иш бирлигининг йўқлиги жамиятдаги лоқайдлик ҳолатини кучайтирди. 1986 йилдан бошлаб мамлакат иқтисодий аҳволи ёмонлаша бошлади, 1987 йил январдан ишлаб чиқариш суръатлари кескин пасайиб, иқтисодиётда инқирозли ҳолат юзага келди.

Қайта қуришнинг иккинчи босқичида (1987-1990 йиллар) ошкоралик ва кадрлар сиёсатини тўғри юритиш асосида совет жамиятини тўлиқ демократлаштиришга эътибор қаратилди. Бироқ қайта қуришнинг аниқ, изчил, илмий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган стратегия ва тактикаси ҳамда ягона дастурнинг йўқлиги, коммунистик партия раҳбарлари (партократия) қайта қуриш ғалабасидан манфаатдор эмаслиги қайта қуриш сиёсатининг бутунлай барбод бўлишига олиб келди.

Ана шундай шароитда СССР деб аталмиш империянинг ташқи ва ички сиёсатида кечаётган таназзулнинг чин моҳиятидан халқни чалғитиш мақсадида мустабид совет тузумининг синовдан ўтган навбатдаги “тубдан тозалаш” кампанияси бошланди. 1983 йилда Марказ томонидан атайлаб ўйлаб топилган уйдирма асосида Ўзбекистонда пахта терими ва уни қайта ишлашдаги “ўғрилиқ”, “қўшиб ёзиш”, “молиявий бузулишлар”ни тергов қилиш билан марказий прокуратура ва ички ишлар органлари махсус шуғулланди. Марказнинг кўрсатмаси билан иттифоқ оммавий ахборот воситаларида гўё Ўзбекистонда бутун бошқарув бўғинлари ва халқнинг ўзи порахўрлик турлари билан ўраб олинган, шу боисдан бу ерда “ҳалоллик ўрнатилиши” керак деган миллий кадр-қимматни ерга урувчи фикрлар тўқиб чиқарилди.

Шу билан бир қаторда, қўшиб ёзишларга бевосита алоқадор бўлмаган, раҳбарларнинг таъсири ва таъъйиқи остида қўшиб ёзишларга ноилж қўшилиб қолган, ундан шахсан ҳеч қандай моддий манфаатдор бўлмаган юзлаб ва минглаб гуноҳсиз кишилар ҳам жабр кўриб азият чекдилар. “Ўзбеклар иши” авжга чиққан вақтда ЎзКП МҚнинг биринчи котиби И. Б. Усмонхўжаев ёзувчилар билан учрашувда республикада қўшиб ёзиш ва парохўрлик авж олиб кетгани туфайли 23000 киши қамоққа олинганини айтиб ўтган. Зўравонлик зулми ўзбек қишлоғининг кадрлар салоҳиятига жуда оғир зарба берди. Сунъий равишда ўйлаб чиқарилган “пахта иши” натижасида жамоа хўжалиги раислари ва совет хўжалиги директорларининг 60 фоизи лавозимларидан олиб ташланди, қишлоқ хўжалиги етакчи мутахассисларининг тахминан 45 фоизи, пахтачилик бригадирларининг ҳар учинчиси вазифасидан узоқлаштирилди. 1989 йилда Ўзбекистон КП МҚнинг биринчи котиби лавозимига сайланган И. А. Каримов миллат ва халқнинг манфаатларини ифода этиб, Ўзбекистон КП МҚнинг XVIII пленумида Марказнинг “тозаловчи”ликдан иборат хатти-ҳаракатларидаги айбловчилик ёндашувини ошкора равишда қоралаб: “Ўзбекистон жамоатчилиги ўзининг энг яқин тарихидаги Горбачёв, Лигачёв командаси халқни жиловда тутиб туриш, унинг ўсиб келаётган миллий ва сиёсий онгини бўғиш ниятида “пахта иши”, “ўзбеклар иши” деб аталган туҳматларни тўқиб чиқарган, биз ўзбекларга турли-туман шармандали тамғалар ёпиштирилган фожеали саҳифаларини ҳеч қачон унутмайди”, - деб таъкидлаган эди.

1989 йил май-июнь ойларида Фарғона ва Тошкент вилоятларида ҳамда Андижон шаҳрида миллатлараро можаралар рўй бердики, у республикада сиёсий вазиятнинг кескин тус олишига олиб келди. Бу можаронинг заминиди мустабид совет тузуми йилларида тўпланиб, эртами-кечми “портлаши” кутилган миллий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муаммолар ётган эди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида мустабид тузум томонидан депортация қилинган месхети

турклари Фарғона вилоятига, бир қисми Андижон, Наманган ҳамда Тошкент вилоятларига жойлаштирилган эди. Бу эса ўз вақтида ижтимоий-иқтисодий ва миллатлараро муносабатларда қўшимча муаммоларни юзага келтирган эди. Бу муаммоларга Совет давлати ўз вақтида эътибор бермади. Аксинча, “ривожланган социализм” даврига келиб СССРда “миллий масала бутунлай ҳал қилинди” деб “тантана” қилинди. Бироқ 1989 йил 24 майда Қувасой шаҳрида ёшлар ўртасида бўлган безорилик миллатлараро тўқнашувни келтириб чиқарди ва бу можаро Фарғона водийсида оммавий тус олди. Бу можаро аслида ўзбекларнинг мустамлака тузумига қарши ҳаракати эди. Бунини 8-июнда Қўқон шаҳрида бўлган кўп минг кишилик митинг қатнашчилари талабномаларидан билса бўлади. Талабномада, водийда ишсизликни тугатиш чораларини кўриш, уйга муҳтож бўлганларга томорқа участкалари бериш, пахта ва пилланинг харид нархларини ошириш, ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш, Орол денгизини қутқариб қолиш тадбирларини тезлатиш, ўзидан заҳарли моддалар тарқатаётган Янгиқўрғон химия комбинатини ёпиш, ойлик иш ҳақларини ошириш, 7-июнда тинч аҳолига ўқ узганларни жавобгарликка тортиш каби талаблар қўйилган эди. Кўриниб турибдики илгари сурилган талаблар ҳаққоний ва одилона талаблар бўлиб аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволига бориб тақаларди. Республиканинг сиёсий раҳбарияти юзага келган бу мураккаб вазиятни ўз вақтида тўғри баҳолай олмади. Натижада, оддий можаро Фарғона, Марғилон, Тошлоқ, Қўқон, Андижон, Наманган, Тошкентда аҳолининг, айниқса, ёшларнинг оммавий чиқишларига, миллатлараро тўқнашувларига сабаб бўлди. Фарғона фожиалари ҳақида республика матбуотида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида тўғри маълумот берилмаганлиги, бу можароларнинг келиб чиқишида асосан “маҳаллий аҳоли айбдор” деб бир томонлама ва ноҳолис баҳолашни вазиятни янада кескинлаштирди. Бундай оммавий чиқишларга, коммунистик мафкура тартибига қарши боришларга “кўникмаган” мустабид тузум сиёсий раҳбарияти намоёнчиликларга қарши ҳарбий қисм ташлади. 1989 йил 8 июнда Қўқонда тинч намоёнчиликлар ана шу ҳарбий қисм аскарлари томонидан ўққа тутилди, натижада 50 дан зиёд намоёнчида қатнашган аҳоли ҳалок бўлди, 200 дан ортиғи эса ярадор қилинди. Умуман 3-12 июнь кунлари Фарғона вилоятида бўлган миллатлараро тўқнашувлар ва уларни ҳарбийлар томонидан ўққа тутилиши оқибатида 103 киши ҳалок бўлган, 1009 киши жароҳатланган. Фарғона воқеалари туб халқларнинг тобора ўсиб бораётган миллий ўзликни англаш жараёнини бостириш, асосий ва ҳаётий муаммолардан, “инқилобий қайта қуриш” режаларининг аниқ барбод бўлганлигидан мамлакат аҳолисининг эътиборини чалғитиш учун қора ниятли кучлар томонидан атайлаб уюштирилган ғавқулдда ҳолат эди. Фарғона воқеаларидан кейин Ўзбекистон КП МҚнинг биринчи котиби лавозимига сайланган И.А.Каримов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1989 йил 19 августдаги XVI пленумида “Ўзбек халқининг виждони пок. Фарғона воқеалари ўзбек халқининг иродаси билан солир бўлмади. Бу воқеаларга тутруқсиз ва ғаразли мақсадларни кўзлаб, ким қандай бўёқ бермасин, тарих албатта, ўзининг адолатли ҳукмини чиқаради. Байналмилалчилик, меҳмондўстлик, яхшилик, қалб саҳоватли ҳамиша ўзбек халқига хос фазилат бўлиб келди. Халқимиз ҳеч қачон бошқа халқ ва ҳозирги тарихимиздан олинган кўпгина мисоллар билан исбот қилинган”, деб таъкидлаган эди.

XX аср 80-йилларнинг охирига келиб жаҳон ва собиқ иттифоқдаги ўзгаришлар ҳамда юзага келган вазият Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий воқелик ҳамда халқ миллий онгининг ўсиши жамият аъзоларининг ижтимоий фаоллигини ошишига туртки берди. Бу ўринда Ўзбекистон

Компартияси МҚнинг 1989 йил 23-июндаги XIV пленуми, унда И. А. Каримовнинг биринчи котиби етиб сайланиши муҳим аҳамият касб этди. Пленумда И. Каримов Ўзбекистоннинг собиқ Иттифоқда тутган ўрни ва ролини аниқ-равшан белгилаб берди, маданий меросни ва тарихий ҳақиқатни тиклаш, миллий урф-одатлар ва анъаналарни ривожлантириш объектив зарурат эканлигини исботлаб берди. 1989 йил августда бўлиб ўтган Ўзбекистон КП МҚнинг XVI пленумида республикадаги демографик аҳволнинг мураккаблиги, аҳоли даромадларининг камайиб, халқ фаровонлиги пасайиб кетганлиги, республика республикада фуқароларининг социал таъминоти ва уларнинг ижтимоий ҳимоя қилишнинг муталқо қониқарсиз эканлиги алоҳида таъкидланди. Пленум шахсий хўжаликлар сонини, уларга ажритиладиган ерлар миқдорини кўпайтириш, аёлларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий барқарорлик масалаларни ҳал этиш, ёшларни иш билан таъминлашни тезлаштириш каби вазифаларни амалга оширишни кўрсатиб ўтди.

1989 йил 15 августга келиб қишлоқ меҳнаткашлари учун уй ва ер ажратиб бериш ҳақида қарор қабул қилинди. Мазкур қарор қабул қилинганидн сўнг ўтган бир йил мобайнида 60 мингдан зиёд оилага ер участкалари ажратиб берилди. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат Кооператив комитети маълумотларига кўра 1990 йил 10 январигача жами 370 минг оилага ёки ерга мухтож бўлганларнинг 96,2 фоизига янги томорқа участкалари ажратилди. 837 минг оила ўз ерларини кенгайтирди, республика бўйича жами 147,4 минг гектар ер ажратилди.

XX аср 80-йилларнинг охирларга келиб Ўзбекистонда ҳолис ўрганилиши тақиқланган миллий характердаги ижтимоий-сиёсий, фалсафий воқеа-ҳодисалар, тарихий шахслар фаолиятини тадқиқ этишга бироз эркинлик берилди. Туркистон минтақасининг Россия империяси томонидан босиб олиниши, жадидчилик ҳаракати, Октябрь давлат тўнтариши, Туркистон Мухторияти ҳукумати ва унинг фаолияти, “босмачилик” ҳаракати, “Хужум”, мустабид совет ҳокимиятининг қатағонлик сиёсати, унинг оқибатлари ҳамда бошқа масалалар янгича тафаккур асосида талқин этила бошланди. Ўзбекистонда буюк Соҳибқирон Амир Темур шахсига муносабат ўзгара бошлади. Ислом уламолари ва ҳадисшунос алломалар Имом Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, тасаввуф таълимотида ўз тариқатларини яратган Баҳоуддин Нақшбандий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро ва бошқалар фаолиятини ўрганишга киришилди. Шунингдек, совет ҳокимияти йилларида қатағон қилинган Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, Мунаввар Қори ва бошқаларнинг асарлари ўзбек халқига қайтарилди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришишда қўйилган навбатдаги муҳим қадамлардан бири бу - 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон ССР Олий Совети XII чақириқ II сессиясида (1990 йил 18-20 июнь) 12 моддадан иборат бўлган “Мустақиллик Декларацияси”нинг қабул қилиниши эди. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон қонеунларининг Иттифоқ қонунларидан устуворлигини таъминлади. Шу билан бирга, “Мустақиллик Декларацияси” Ўзбекистоннинг 1991 йил 31-августига қадар мавжуд бўлган бошқарув, ҳудудий фаолиятни таъминлади, барча соҳада мустақил сиёсат олиб бориш имконини берди. Декларацияда ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳудудидан келиб чиққан ҳолда, халқаро ҳудуд қоидаларига, умумбашарий қадриятларига ва демократия тамойилларига асосланиб Ўзбекистон ССРнинг давлат суверентитети эълон қилди. Декларациянинг қабул қилиниши билан Ўзбекистонда республиканинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига доир масалалар мустақил тарзда ҳал қилина бошланди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон халқи мустақиллик туфайли ўз тақдирини ўзи белгилаш, табиий ва хом ашё ресурсларига тўла эгалик қилиш, улардан мамлакат манфаатлари йўлида

фойдаланиш, тараққиёт йўлини мустақил танлаш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий ва диний қадриятларимизни тиклаш, ёш авлодни ҳақиқий ватанпарвар руҳида тарбиялаш, юртимиз хавфсизлиги, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, халқаро муносабатларда мустақил субъект сифатида иштирок этиш, бошқа мамлакатлар билан ўзаро манфаатли шартнома ва битимлар тузиш каби имкониятларга эга бўлди.

REFERENCES

1. Ўзбекистан миллий энциклопедияси. 9 - жилд. - Т.: УМЭ, 2005. -Б. 127; 366; 429; 490.
2. R Nosirov, G Mamajanova. International Ratings and Index Indicators of the Republic of Uzbekistan// European Multidisciplinary Journal of Modern Science, 2022
3. РА Носиров, МИ Рахимова, СВ Темирова. Жамиятда ижтимоий онгнинг ўзгариши-ижтимоий муносабатлар тахлили. // - инновации в педагогике и психологии, 2022.
4. N.R Nosirov. The strategic value of education for the development of science and training of promising personnel potential, 2022
5. R.A Nosirov . Educational Problems in the History of Central Asia// Innovative technologica: methodical research journal, 2021
6. N.R Nosirov . Structural and functional approaches to the development of the social sector: Reform and prospects// European Journal of Molecular and
7. Nosirov, R. O., & Temirova, S. V. (2022). XALQIMIZ SALOMATLIGINI MUSTAHKAMLASH DAVLATIMIZ SIYOSATINING USTUVOR YO 'NALISHI. Academic research in educational sciences, 3(TSTU Conference 2), 242-248.
8. Adilovich, Nosirov Rashod. "THE STRATEGIC VALUE OF EDUCATION FOR THE DEVELOPMENT OF SCIENCE AND TRAINING OF PROMISING PERSONNEL POTENTIAL." (2022): 183-186.
9. Nosirov R. THE PLACE AND ROLE OF THE MASTER AMIR TEMUR IN WORLD HISTORY //Uzbek Scholar Journal. – 2022. – Т. 9. – С. 203-205.
10. Nosirov, R., & Mamajanova, G. (2022). International Ratings and Index Indicators of the Republic of Uzbekistan. European Multidisciplinary Journal of Modern Science, 4, 86-88.
11. Носиров, Рашод Адилевич, Машхура Иномжановна Рахимова, and Светлана Владимировна Темирова. "Жамиятда ижтимоий онгнинг ўзгариши-ижтимоий муносабатлар тахлили." инновации в педагогике и психологии 5.3 (2022).
12. Nosirov Rashod, and Yuldashev Bakhtiyar Ergashevich. "Structural and functional approaches to the development of the social sector: Reform and prospects." European Journal of Molecular and Clinical Medicine 8.1 (2021): 1388-1396.
13. Умарова, Р. Ш. (2019). Бытие и философские взгляды Абу Райхана Беруни. *Достижения науки и образования*, (3 (44)), 32-33.
14. Умарова, Р. Ш. (2019). Основы духовно-нравственного воспитания молодежи в трудах Абу Райхана Беруни. *Проблемы науки*, (4 (40)), 56-57.
15. Умарова, Р. Ш. (2020). Натурфилософия Абу Райхана Бируни. *Вестник науки и образования*, (4-1 (82)), 35-37.
16. Umarova, R. S. (2019). Fundamentals of spiritual and moral education of youth in the works of Abu Rayhan Beruni. *Problems of science*, no. 4 (40).